

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.Fil.21.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

МУХИДДИНОВА ДИЛАФРУЗ ЗОХРИДДИНОВНА

**XX АСР АРАБ ЯНГИ ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

УДК: 892.7 -9
ББК: 83.3 (5)
М – 92

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Science**

Муҳиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна

XX аср араб янги ҳикоячилигининг шаклланиши ва ривожланиши. . . . 3

Муҳиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна

Становление и развитие арабской новеллистики XX века..... 27

Mukhiddinova Dilafruz Zokhriddinovna

The formation and development of new Arabian short stories of the
twentieth century..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 62

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.Fil.21.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

МУХИДДИНОВА ДИЛАФРУЗ ЗОХРИДДИНОВНА

**XX АСР АРАБ ЯНГИ ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Fil37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий маслаҳатчи: | Ходжаева Раъно Умаровна филология фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Ҳасанов Саидбек филология фанлари доктори, профессор Иномхўжаев Раҳмонхўжа филология фанлари доктори, профессор Каримов Баҳодир Нурметович филология фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фолкълори институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

А.М.Маннонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

А.Куранбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.док., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср жаҳон адабиётшунослигида Шарқ мамлакатлари, хусусан, араб мамлакатлари адабиётшунослигида янги адабий жанрларнинг шаклланиши, жанр динамикаси, замонавий йўналиш, оқим ва услубларнинг намоён бўлиши, анъана ва новаторлик масалалари, ўзаро адабий алоқа ва адабий таъсир масалаларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар кўлами ниҳоятда ортиб бормоқда. XX асрда адабий жараёнлар бир-бирига типологик жиҳатдан ўхшаш ва яқин бўлган минтақа Миср, Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Ироқ араб мамлакатлари адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва тараққиёти, ҳикоячиликда реализм, модернизм каби адабий йўналишларнинг намоён бўлиши ва мослашиш жараёни, адабий мерос ва замонавий адабий услублар мутаносиблиги, араб ҳикоясининг ўзигагина хос бўлган бадиий-эстетик хусусиятларни қиёсий ўрганиш адабиётшуносликда муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданок барча жабҳалар каби маданият, санъат ва адабиёт соҳаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Турли халқлар адабиётини ўрганиш ва тадқиқ қилиш шу мамлакатлар адабиёти, тарихи, ҳаёт тарзи, миллий маънавияти ҳақидаги билимларнинг бойиши ва ҳар томонлама алоқаларнинг кенгайишида асосий омилдир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш адабиётшунослик соҳасида илмий изланишлар кўламини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратди. XX аср жаҳон адабий жараёнларида ўзининг новаторлик хусусияти билан ажралиб турадиган араб адабиётини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниши илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш масаласи ечимларидан биридир.

Дунё адабиётшунослигида XX аср араб мамлакатлари адабиётидаги ҳикоя жанрининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари алоҳида олинган мамлакатлар доирасида муайян даражада ўрганилган бўлса-да, ҳикоя жанрининг эволюцион ривожини қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик нуқтаи назардан тадқиқ этилмаган. Шу боис XX асрнинг биринчи ярмида Миср, Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Ироқ араб мамлакатлари адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини қиёсий тарзда асослаш, XX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган бадиий-услубий янгиланиш босқичи, хусусан, модернизм, реализм доирасидаги турли замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири, мослашув ҳаракатларини аниқлаш, араб адабиётшунослигида замонавий терминларнинг барқарорлашув жараёнларини тадқиқ қилиш, янгиланишлар босқичида анъана ва новаторлик хусусиятларини муайянлаштириш, араб адабиётида ҳикоянинг янги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони./ Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль. №28 (6722)

шакллариининг бадий-поэтик хусусиятларини тадқиқ қилиш заруратга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 12 январдаги «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Замонавий араб адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва тараққиётига бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge, Oxford University of London (Буюк Британия), Mississippi University (АҚШ), Goethe University (Германия), Jawaharlal Nehru University, Marathwada University (Ҳиндистон), Санкт-Петербург давлат университети, Россия Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти (Россия), Haifa University (Фаластин), جامعة القاهرة - Қоҳира университети (Миср), جامعة البترا - Ал-Петро университети, جامعة جدارا – Жидара университети (Иордания), جامعة عبد الملك السعدي - Ғаззо Ислом университети (Фаластин), جامعة عبدالمالک السعدي - Абдулмалик ас-Саъдий университети (Марокаш) да олиб борилмоқда.

XX аср араб адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари юзасидан жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: янги давр араб адабиётида насрий ва назмий жанрларнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари аниқланган, XIX аср охири – XX аср ўрталарида янги давр араб адабиётида ҳикоя жанри тараққиёти бўйича умумий маълумотлар, Марун Аббуд, Махмуд Теймур, Абду-Салом ал-Ужейлий, Сайфиддин ал-Ироний

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.arabic.haifa.ac.il; darelom.cu.edu.eg; www.arabworldbooks.com; www.alukah.net; www.diwanalarab.com; www.goethe.de; orient.spbu.ru; www.jnu.ac.in; www.libraryofarabicliterature.org; www.soas.ac.uk; www.orients.ox.ac.uk>staff; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.amazon.com; www.modernlanguages.olemiss.edu> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

каби ҳикоянавислар ижоди ёритилган (Oxford and Cambridge University); Ироқ янги давр адабиёти ривожда ҳикоя жанрининг шаклланиши асосланган (Mississippi University); Яқин Шарқ араб мамлакатлари адабиётида насрий жанр хусусиятлари очиқ берилган (Goethe University); Маҳмуд Теймур, Юсуф Идрис, Нажиб Маҳфуз, Закария Тамер каби араб адиблари ҳақида маълумотлар берилган (Jawaharlal Nehru University and Marathwada University); Янги давр ва замонавий араб адабиётида ҳикоя жанри ривож умумий тарзда тавсифланган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти); Фаластин адабиёти контекстида Муҳаммад Али Тоҳа, Хусейн Михна каби фаластинлик ҳикоянависларнинг ижоди тадқиқ этилган (Haifa University ва Ғаззо Ислом университети); Янги давр ва замонавий Миср адабиётида ҳикоя жанрининг тараққиёти ва бугунги кундаги ривож кўрсатилган (Қоҳира университети); Иордания адабиётида Иброҳим ал-Абсий, Фарруқ Мавосийй, Юсуф Дамра, Илйос Фуркух, Маҳмуд Шуқейр каби ҳикоянавислар ижоди ҳақида маълумотлар берилган (Ал-Петро университети ва Жидара университети); Замонавий Марокаш адабиётида «энг қисқа ҳикоя» шакли ва унинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган (Абд ал-Малик ас-Саъдий университети).

Бугунги кунда жаҳон адабиётшунослигида янги давр ва замонавий араб ҳикоячилигининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари бўйича бир қатор, жумладан, замонавий араб адабиётида ҳикоя жанри тараққиёти, жанр динамикасини тадқиқ қилиш; араб ҳикоясининг шаклланишида замонавий йўналиш ҳамда оқимларнинг таъсири ва миллий адабиётга мослашиш жараёнини аниқлаш, янгиланиш босқичида араб ҳикоячилигида анъана ва новаторлик хусусиятларини асослаш; замонавий араб ҳикоясга хос янги шакллариининг бадиий-услубий хусусиятларини ўрганиш ва тавсифлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср Миср, Сурия, Фаластин, Иордания, Ироқ, Ливан араб мамлакатлари ҳикоячилиги хусусида алоҳида-алоҳида давлатлар миқёсида тадқиқотлар мавжуд. Рус шарқшунослигида XIX аср ўрталаридан XX аср бошларигача Миср, Сурия, Фаластин, Иордания, Ливан каби араб давлатларидаги адабий жараёнлар борасида А.Е.Кримский, И.Ю.Крачковский, А.А.Долинина, Э.А.Али-Зода, В.Н.Кирпиченко ва В.В.Сафронов каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган³. XX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмидаги адабий жараёнлар бўйича В.Н.Кирпиченко ва В.В.Сафронов, Б.В.Чуков, Н.Б.Ковиршина сингари

³Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. В 6-ти т. – М.–Л. т. 1. 1955, т. 2. 1956, т. 3. 1956, т.4. 1957, т.5. 1958, т.6. 1960.; Крымский А.Е. История новой арабской литературы XIX – начало XX в. – М.: Наука, 1971.; Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и Сирия). Просветительский роман. 1870-1914. – М.: Наука, 1973.; Али-Заде Э.А. Египетская новелла.– М.: Наука. 1974.; Арабская романтическая проза XIX – XX веков. // Сборник. Пер. с араб. Предисловие А. Долининой. – Л.: Художественная литература, 1981.; Кирпиченко В.Н., Сафронов В.В. История египетской литературы. XIX – XX веков. В двух томах. Т. 1.–М.: Восточная литература. 2002.

шарқшунослар тадқиқотларида⁴ Миср, Сурия, Ироқ, Иордания, Ливан каби араб мамлакатлари адабиёти, хусусан, ҳикоячилиги адабиёт тарихи нуқтаи назардан, А.Н.Имангулиева, А.С.Рустам-зода каби озарбайжон олимларининг илмий ишларида эса баъзи адибларининг ижод йўли таҳлил қилинган⁵.

XIX аср ўрталаридан XX аср иккинчи ярмигача бўлган даврда европалик шарқшунослардан К.Броккельман, Х.А.Р.Гибб, Р.Аллен, Ж.Бругмен кабилар, XX асрнинг иккинчи ярмидан XXI асрнинг бошларигача эса Р.Алленнинг тадқиқотларида араб адабиёти тарихи нуқтаи назардан тадқиқ қилинган⁶.

Ўзбек шарқшуносларидан Р.У.Ходжаева, М.Х.Акбарова, М.А.Акмалова, Н.П.Ашихмина, Д.З.Муҳиддинова, Ш.И.Аҳмедова томонидан янги давр (XIX асрнинг охири - XX асрнинг биринчи ярми) ва замонавий (XX асрнинг иккинчи ярми) Миср, Сурия, Қувайт, Ироқ, Фаластин каби араб мамлакатларидаги ҳикоя жанри тараққиёти ҳамда ижоди нисбатан кам ўрганилган адиблар фаолияти тадқиқ қилинган⁷.

Араб адабиётшуносларидан Марушайх Муҳаммад ас-Солих, Умар ад-Даққак, Шукрий Муҳаммад Аъйад, Аҳмад Ҳайкал, Саййид Ҳомид ан-Нассаж, Ҳисом ал-Ҳатиб, Юсуф Новфал, Абдулла Аҳмад, Буали Ёсин, Набил Сулаймон, Адиб Иззат, Муҳаммад Комил ал-Ҳатиб, Иброҳим 'Авад кабиларнинг тадқиқотларида XIX аср ўрталаридан XX асрнинг биринчи ярми Миср, Сурия, Ироқ, Ливан каби араб мамлакатлари адабиётидаги ҳикоя жанрининг тараққиёти, ижодий йўналишлар алоҳида мамлакатлар бўйича адабиёт тарихи нуқтаи назардан ўрганилган⁸. XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларигача Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётида

⁴Чуков Б.В. Предисловие: Иракский рассказ нашего века. Письмена на дереве. Сборник. Перевод с арабского. – М.: Наука, 1980.; Ковыршина Н.Б. Современная иорданская новелла (конец 60-х начало 80-х годов). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1985.; Кирпиченко В.Н., Сафронов В.В. История египетской литературы. XIX – XX веков. В двух томах. Т. 2. – М.: Восточная литература. 2002.; Али-Заде Э.А. История литературы Сирии XIX-XX веков. М.: Восточная литература, 2007.

⁵Имангулиева А.Н. «Ассоциация пера» и Михаил Нуайме. – М.: С.-Петербургского университета, 2011.; Рустам-Заде А.С. Творчество Тауфика Юсуфа Аввада 1930-1949 гг.(к проблеме становления реалистического направления в современной ливанской прозе). – Баку, 1984.

⁶Гибб Х.А.Р. Арабская литература. – М.: Восточная литература, 1967.; Brockelman C. History of the Islamic peoples. Translated by J.C., and M.Perlmann. – London, 1979.; Brugman J. An introduction to the history of modern Arabic literature in Egypt. – Leiden.: E.J.Brill, 1984.P.439.; Allen R. An introduction to Arabic literature. - Cambridge university press. 2000.; Brugman J. An introduction to the history of modern Arabic literature in Egypt. – Leiden.: E.J.Brill, 1984.P.439.

⁷Акбарова М. Х. Лига сирийских писателей и ее место в развитии современной сирийской новеллистики. Дис. ... канд. филол. наук. – М. 1965.; Акмалова М. А. Современная иракская новелла и творчество ее основоположника Зуннуна Айюба. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –М.1967.; Ашихмина Н.П. Основные тенденции развития палестинской прозы 50-х 60-х годов XX в. и их отражение в творчестве Гассана Канафани. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т. 1984.; Ходжаева Р.У. Художественная проза и драматургия Абд ар-Рахмана ал-Хамиси. – Т.: Фан. 1975., Муҳиддинова Д.З. Жўрж Салим хикояларида бадий тафаккур эволюцияси. – Т. Фил. фан. ном..... диссертацияси. – Т., 2008.; Аҳмедова Ш. И. Замонавий Қувайт хикоянавислиги тараққиётида адибалар Лайло ал-Усмон ва Сурайё ал-Бақсамий ижодининг ўрни. Фил.фан. ном..... диссертацияси. – Т., 2010.

⁸Марушейх Муҳаммад Салех. “Личность и общество” в трактовке сирийских новеллистов 60-80 х годов. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т. 1993.; و حسام الخطيب. القصة القصيرة في سورية. دمشق. منشورات وزارة الثقافة و الارشاد القومي. 1982، الدكتور أحمد هيكل. الأدب القصصي والمسرحي في مصر. القاهرة: دار المعارف. 1983، د. عبد الله أحمد. الأدب القصصي في العراق. الجزء الثاني. منشورات وزارة الأعلام – الجمهورية العراقية. 1977، بوعلى ياسن، نبيل سليمان. الأدب و الايديولوجيا في سورية – دمشق: دار الحوار. 1985، نبيل سليمان. النقد الأدبي في سوريا. الجزء الأول. بيروت. دار الفارابي. 1980، سيد حامد النساج. اتجاهات القصة المصرية القصيرة. القاهرة، 1988، ادب عزت. أدب عربي معاصر. – دمشق: منشورات اتحاد الكتاب العرب. 1979، محمد كامل الخطيب. مقدمة في القصة السورية القصيرة خلال عقدي الخمسينات و الستينات. – بيروت: دار الفارابي. 1979، ابراهيم عوض. فصول من النقد القصصي. القاهرة، 1987.

янгилашиш тамойиллари ва унинг ҳикоячиликдаги ифодаси борасида Салоҳ ас-Сурурий, Абдулла Абу Ҳайф, Надл ас-Солиҳ, Аҳмад Мусо ал-Хатиб, Эдвар ал-Харрот, Муҳаммад ал-Машойих, Далал Хусний каби адабиётшунослар томонидан алоҳида олинган мамлакат миқёсида ўрганилган⁹.

Бирок, жаҳон адабиётшунослигида Миср, Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Ироқ араб мамлакатларида ҳикоячиликнинг шаклланиш типологияси, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидаги янгиланишлар жараёнида ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсий-типологик тадқиқ этилмаган, замонавий йўналиш ва оқимларнинг етакчи ғоявий-эстетик тамойиллари ва янгиланаётган адабий услубларнинг миллий адабиётга мослашиш жараёни; янгиланиш босқичида ўрта аср адабий мероси анъанларининг замонавий бадиий тасвир тарзи ва ифода воситалари билан уйғунлашуви масалаларига қиёсий-тарихий жиҳатдан эътибор берилмаган; араб адабиётида ҳикоя жанрининг шаклий ранг-баранглиги ва уларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари шу вақтга қадар монографик тадқиқотнинг объекти бўлмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуи Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Шарқ мамлакатлари адабиётшунослиги ва адабий манбашунослигининг долзарб муаммолари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади Миср, Сурия, Фаластин, Иордания, Ироқ, Ливан каби араб мамлакатлари ҳикоячилигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, жанр динамикаси ва унинг янги шакллари, янги поэтик ва услубий изланишларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярми Миср, Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Ироқ араб мамлакатлари адабиётида янги типдаги ҳикоя жанрининг генезиси, шаклланиш босқичларини асослаш;

XX асрнинг иккинчи ярми янгиланишлар босқичида араб адабиётшунослигида юзага келган замонавий адабий терминларни асослаш;

XX асрнинг иккинчи ярми ҳикоя жанрининг тараққиёти, араб ҳикоячилигида замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири ва мослашув жараёнини очиқ бериш;

замонавий араб ҳикояларида миллий адабий мерос ва янги бадиий тасвир ва ифода воситалари мутаносиблиги, уйғунлашув жараёни ва услублардаги

9. د. أحمد موسى الخطيب. الحساسية الجديدة. قراءات في القصة القصيرة. قسم اللغة العربية و آدابها جامعة البترا – الأردن. 2008، ادوار الخراط. الحساسية الجديدة. مقالات في الظاهر القصصية. بيروت: دار الأدب. 1993.

www.alkutubcafe.com

www.syrianstory.com

www.divanalarab.com

د. عبد الله أبو هيف. القصة القصيرة في سورية من التقليد الي الحداثة. 2004،

د. نضال الصالح. القصة القصيرة في سورية قص التبعينيات،

محمد المشايخ. القصة القصيرة في الأردن – الجذور و التحولات.

د. دلال حسين. القصة الفلسطينية: النشأة و التطور. www.alrai.com>article_m.

янги бадий изланишларни аниқлаш;

араб адабиётида ҳикоянинг – «*قصة قصيرة*» (*қиссатун қасиратун*) – «*қисқа ҳикоя*» шаклидан ташқари «*узун ҳикоя*» – «*قصة طويلة*» («*қиссатун тавилатун*»), «*энг қисқа ҳикоя*»¹⁰ – «*قصة قصيرة جدا*» («*қиссатун қасиратун жиддан*» – сўзма-сўз таржимаси «*жуда қисқа ҳикоя*») каби шаклларининг вужудга келиши ва ҳикояларнинг бадий-эстетик хусусиятларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти XX асрнинг иккинчи ярмининг Нажиб Махфуз, Юсуф Идрис, Дийо аш-Шарқовий, Жамол ал-Ғитоний, Эдвар ал-Харрот, Мунир Утейба, Муҳаммад Шаълон, Иззат ал-Қамаҳавий, Маҳмуд ал-Вардоний (Миср), Закария Тамер, Жўрж Салим, Валид Ихлосий, Аъбир Холид Яхё, Ҳийма ал-Муфтий (Сурия), Жуброн Халил Жуброн (Ливан), Фуад ат-Текерли, Абдурахмон Мажид ар-Рубейъий, Бусайна ан-Носирий, Аҳмад Иброҳим (Ироқ), Юсуф Дамра, Илйос Фаркух (Иордания), Фаруқ Мавосий, Маҳмуд Шуқейр, Тавфиқ Файод (Фаластин) каби араб ёзувчиларининг ижодида ҳикоя жанрининг шаклланиш ва тараққиёт тамойиллари.

Тадқиқотнинг предмети Миср, Сурия, Фаластин, Иордания, Ироқ, Ливан араб мамлакатлари ҳикоячилигида янгиланиш босқичлари, XX асрнинг иккинчи ярмида замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири ва мослашув жараёни, миллий ва умумадабий мероснинг ўрни, араб ҳикоясининг шакллари ва хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Миср, Сурия, Ливан, Ироқ, Фаластин, Иордания каби араб мамлакатлари адабиётидаги ҳикоя жанрининг эволюцияси қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий жиҳатдан таҳлил этилиб, ҳикоя жанрининг XX аср давомидаги тараққиёт йўли ишлаб чиқилган;

XX асрда ижод қилган араб ёзувчиларининг ҳикояларини таҳлил этиш асосида жаҳон адабий жараёнидаги замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири ва мослашув жараёни далилланган;

замонавий араб ҳикоячилигида ўрта аср араб насрига хос поэтик анъаналарнинг янгича ифода тарзи, қадимги шарқ халқлари ҳамда юнон мифларига ижодий ёндашув масаласи асосланган;

қадимги диний манбаларда келтирилган қиссаларнинг мавзу ва образларининг янгича талқинда берилганлиги исботланган;

замонавий араб ҳикоячилигида «*қисқа ҳикоя*», «*узун ҳикоя*», «*энг қисқа ҳикоя*» каби шаклларининг мавзу кўлами ва поэтикаси асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Миср, Сурия, Ливан, Ироқ, Фаластин, Иордания каби араб мамлакатлари замонавий ҳикоячилигининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларининг типологияси билан боғлиқ масалалар ҳал қилинган;

адабий жараёнлари ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи Мағриб ва Форс

¹⁰Тадқиқотда араб, жаҳон ва ўзбек адабиётидаги хулосаларига таянилган ҳолда, мазкур ҳикоя шакли учун «*энг қисқа ҳикоя*» термини танлаб олинди.

кўрфази араб мамлакатлари ҳикоячилигининг ривожланиш босқичларини қиёсий тарзда тадқиқ қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

замонавий адабий жараёнда миллий адабий мероснинг аҳамияти, ҳикоячиликда бадиий ифода тарзи ва воситаларнинг янгиланиши, Шарқ мамлакатлари адабиётида анъана ва новаторлик масалалари ажратилган ва исботланган;

ҳикоя янги шакллариининг юзага келиш жараёнларида жанр динамикаси, янги бадиий изланишлар моҳияти тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилигини юртимиздаги, хориждаги, шунингдек, араб адабиётшунос ва танқидчиларининг фикрига мурожаат қилингани, замонавий араб ҳикояларининг адабий таҳлили қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил қилиш методлари асосида олиб борилгани, амалиётга хулоса ва тавсияларнинг тадбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий ўқув юртлари хорижий ва шарқ филология факультетлари адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, жаҳон адабиёти, тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, мутахассисликнинг назарий масалалари, Шарқ адабиёти жаҳон адабиёти контекстида, XIX-XX аср адабиётида бадиий тизимлар, Шарқ адабиётида бадииятшунослик масалалари, замонавий араб насри каби фанларнинг маъруза ва семинар машғулотларини илмий-назарий жиҳатдан кучайтириш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг назарий қисмларини янгича ёндашувлар билан бойитишдаги аҳамияти билан белгиланади. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар шарқ мамлакатлари адабиётида ҳикоя жанрининг тараққиётини тадқиқ қилишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан адабий жараёнда жанрлар шаклланиши, ижодий йўналишлар алмашинуви, адабий мактабларнинг вужудга келиши каби муаммоларнинг ечимига бағишланган махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация материалларидан XX аср иккинчи ярми шарқ халқлари адабиётида янгиланиш жараёнлари ва хусусиятлари, ҳикоя жанри динамикасини ўрганишда, адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масалаларига оид монография, дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср араб янги ҳикоячилигининг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари тадқиқоти бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

замонавий араб адабиёти тарихида ижодий методлар алмашинуви бўйича олинган илмий-назарий натижалар Ф -1-139 сонли «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 15 февралдаги 0313/158-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши араб адабиёти

тарихида замонавий йўналиш ва оқимларнинг шаклланиши ва миллий адабиётда мослашиш жараёни, араб адабиётшунослигида замонавий терминлар билан билан таъминлашга хизмат қилган;

араб ёзувчилари ҳикояларининг поэтик хусусиятлари таҳлилидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси амалий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ««Маданият ва маърифат» телеканалли» давлат унитар корхонаси 2017 йил 31 майдаги 01-17/602-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқотга тортилган Нажиб Махфуз ижоди «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Дунё адабиёти» кўрсатувида жаҳон адабиёти намояндаларининг ижодий фаолиятини ёритишга асос бўлган;

замонавий араб ёзувчиларининг ижодий фаолиятининг бадиий-эстетик хусусиятлари таҳлили ва асарларининг таржималари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маҳалла» телерадиоканалида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси, 2017 йил 30 май 04-27-сон маълумотномаси). Тадқиқотга тортилган араб ҳикоянависларидан Аҳмад Абдулла Митвалий ижоди ҳамда унинг «Чирок» ҳикояси «Мутолаа завқи» туркум эшиттиришларини тайёрланишида манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро: «Сурия ҳикоячилигида глобаллашув жараёни» (Тошкент, 2010), «Жўрж Салим ва Омон Мухтор асарларида Қуръоний иқтибослар ва ривоятлар образларининг талқини» (Тошкент, 2014), «Жанр «очень короткого рассказа» в современной арабской литературе» (Санкт-Петербург, 2015) ва 4 та Республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 20 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда, 3 та тезис, улардан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 266 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Миср ва Машриқ¹¹ араб мамлакатлари янги адабиётида ҳикоя жанрининг генезиси ва шаклланиш босқичлари» деб номланган биринчи бобида XIX аср охири Миср ва Машриқ (Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания ва Ироқ) мамлакатлари адабиётида янги типдаги ҳикоянинг шаклланиш омиллари, типологияси, хусусиятлари ва XX аср биринчи ярми мазкур мамлакатлар ҳикоячилигида адабий йўналишлар ва мактаблар фаолияти илк бор қиёсий-типологик таҳлил асосда ёритилган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари араб адабиётида «ан-Наҳда» – «уйғониш», маърифатпарварлик даврида янги ҳикоя жанри, бир томондан, ўрта аср араб адабиётининг кичик эпик жанрлари, иккинчи томондан, Ғарб ва рус адабиётининг таъсири натижасида шаклланди. Бу даврда ҳикоячилик маърифий реализм йўналишида ривожланиб, маърифатпарвар ёзувчилар ўз ижодларида жамиятнинг долзарб масалаларини қаламга олдилар. Маърифатпарварлик даврида яратилган ҳикояларда қаҳрамонлар кўпинча индивидуал хусусиятларга эга бўлмаган, уларнинг ички дунёси етарлича чуқур ёритилмаган, улар ҳикояга фақат маърифий ёки ижтимоий тарғибот мақсадидагина киритилган.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Миср ва Машриқ мамлакатлари ҳикоячилиги маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган сентиментализм кейинроқ романтизм йўналишида ривожланди. Романтизм йўналиши араб ҳикоячилигида хаёлий жамият, хаёлий қаҳрамонлар тимсолида инсонларни комилликка, юксак маънавий етукликка чорлаш ғояларини акс эттириш йўлида ривожланди, ҳаётнинг турли синовларида тушкунликка тушган инсонларнинг ҳис-туйғулари, дард-аламлари, изтиробларини кучли эмоционал равишда ёритиш орқали инсонга, унинг шахсиятига ҳурмат ва самимий муносабатга даъват қилинди. Жуброн Халил Жуброннинг «Халил кофир», «Исёнкор руҳлар», «Марта», Амин ар-Райҳонийнинг «Нью-Йорк», «Шифо бер», «Водий маъбудаси», «Менинг водийдаги ибодатхонам», Мустафо ал-Манфалутийнинг «Кўз ёшлар» каби ҳикоялари шу туркумга киради.

Миср ва Машриқнинг Сурия ва Ливан каби мамлакатлари ҳикоячилигида эса маърифий реализмдан XX асрнинг 20-30-йилларидаёқ ижтимоий-танқидий реализмга ўтилган. Бу даврда Мисрнинг «янги мактаб» жамоаси Муҳаммад ва Маҳмуд Теймурлар, Исо ва Шихата Убейдлар, Маҳмуд Тахир Лашин ва бошқа шу каби забардаст ёзувчилар ҳикоянависликни юқори босқичга олиб чиқдилар ва янги давр араб адабиётидаги реалистик методни мустаҳкамладилар. Сурия ҳикоячилигида ҳам ижтимоий муаммоларга эътибор қаратган реалистик тамойиллар пайдо бўлди. Бу давр араб ҳикояларида кенг

¹¹XX аср араб адабиёти уч минтақага бўлиб ўрганилади. Биринчиси, адабий жараёнлар бир-бирига типологик жиҳатдан ўхшаш ва яқин бўлган минтақа Миср ва Машриқ номини олган Сурия, Ливан, Иордания, Фаластин, Ироқ каби мамлакатлар адабиёти, у араб оламининг маданий-адабий маркази бўлиб, барча араб мамлакатлари адабиётига кучли таъсир кўрсатган. Иккинчиси, Араб Мағриби номини олган Жазоир, Тунис, Марокаш мамлакатлари адабиёти, у Машриққа нисбатан кечроқ ривожланди ва унда икки – француз ва араб тилларида адабиёт яратилди. Учинчи минтақани ташкил этувчи Форс кўрфазидagi БАА, Қувайт, Баҳрайн, Уммон ва Қатар каби мамлакатларнинг замонавий адабиёти анча кеч ривожланди ва ўзига хос минтақавий умумийлик ва яхлитлик билан ажралиб турди. Тадқиқотда бундан кейин Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Ироқ каби араб мамлакатлари Машриқ араб мамлакатлари деб юритилади.

оммага таниш бўлган халқ ичидан чиққан оддий қаҳрамонлар сиймоси пайдо бўлди. Машриқнинг Ироқ, Фаластин, Иордания мамлакатларида эса XX асрнинг 40-йилларигача ҳам маърифий реализм устунлигича қолган.

XX асрнинг 40-50-йиллари барча араб мамлакатлари адабиётида миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш мавзуси етакчи мавзуга айланди ва айти шу асосда Миср, Ироқ, Сурия, Ливан, Ироқ адабиётида реализм «*الواقعية الجديدة*» («*ал-воқийийат-ул-жадида*»¹²) – «янги реализм» номини олди ва унинг танқидий реализм ҳамдасобиқ совет адабиётининг таъсири натижасида социалистик реализм йўналишининг кўринишлари ривожланди. Бу давр ҳикоянавислигида танқидий қараш, ҳикоя қаҳрамони сифатида халқдан чиққан образ танланди, жамиятни таснифлашга, жамиятни фақат инқилобий йўл билан ўзгартириш тамойили кучайди. Абдурахмон ал-Хамисийнинг «Жанублик курашчи», «Бу қон ҳали қуримайди», Васфи ал-Буннийнинг «Гута марказида», Муҳаммад Иброҳим Дакрубнинг «Мушоҳадокор» каби ҳикоялар шусирага киради Иордания ва Фаластин ҳикоячилиги бу даврда бироз ўзгача ривожланди. Бунга Фаластиннинг Исроил давлати билан нотинч муносабатлари, қонли можаролари (1948 йилдаги биринчи Араб-Исроил уруши) сабаб бўлди. Уларда ҳам бошқа Машриқ араб мамлакатлари адабиётидаги сингари реалистик метод устунликка эга бўлиб бормоқда эди, лекин иордан ва фаластин ёзувчиларининг ижодида ўта ҳиссиётлилик каби сентиментализм унсурлари кенгрок кузатилади. Мазкур мавзу билан боғлиқ ҳолда маъюслик, тушкунлик кайфиятини ифодалашга мойиллик пайдо бўлди. Исо ан-Нурийнинг «Қилич гапирсин», «Жанг майдонига қайтиш», Юсуф Дамранинг «Вагонлар», «Онамга етиб бормаган мактублар», Хусний Файризнинг «Саросима фикрлар» каби ҳикояларда айти шу муаммолар акс эттирилган. Мазкур ҳикояларда эзилган, ватандан айрилган қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, руҳий кечинмалари, дард-алам, изтироблари сентиментал руҳда ифодаланган.

Мазкур бобда Миср ва Машриқ мамлакатлари адабиётида ҳикоя жанрининг XIX аср охиридан XX аср биринчи ярмигача бўлган ривожланиш босқичи маърифий реализм, сентиментализм, романтизм, ижтимоий реализм, «янги реализм»нинг, «социалистик реализм», «танқидий реализм» каби кўринишларининг шаклланиши шу давр ёзувчилари ҳикояларининг таҳлили асосида очиб берилган.

Диссертациянинг «**Араб ҳикоячилигида замонавий бадиий-услубий йўналишларнинг шаклланиши ва уларнинг ғоявий-эстетик моҳияти**» деб номланган иккинчи бобида араб адабиёти жаҳон адабий жараёнлари кесимида ўрганилиб, араб ижодкорлари асарларида «онг оқими», сюрреалистик тасвирлар, галлюцинация, фрагментарлик, коллаж, ассоциативлилик, тагмаънолилик каби замонавий бадиий ифода воситалари, анъанавий реализмнинг табиий ривожланиш натижасида шаклланган магик, психологик, интеллектуал реализм каби оқимлари араб ҳикоянависларининг ижоди мисолида очиб берилган.

12. سيد حامد النساج. اتجاهات القصة المصرية القصيرة. القاهرة: مكتبة غريب. 1988. ص. 330.

XX аср иккинчи ярмида Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётида, хусусан, ҳикоячилигида Ғарбда шаклланган замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири сезилди. Араб ҳикоячилигида бадиий тафаккурининг янгилик сари такомиллашуви жараёнида турли индивидуал, тажрибавий услублар пайдо бўлди. Бадиий ижоддаги мазкур ижодий ранг-баранглик Миср, Сурия, Ироқ, Ливан, Иордания, Фаластин каби мамлакатлар адабиётида деярлибир вақтда, шаклланибборди. Мазкур янгиланиш жараёнларининг юзага келишига маълум ички, яъни шарқ халқлари адабиётини жаҳон адабий жараёнига интеграцияси, глобаллашув даврида ўзаро таъсир ва тажриба алмашиш тамойилларининг жадаллашиши; ижодкорларга хос бўлган бадиий тафаккурининг янгилик сари бўлган тинимсиз ҳаракати; XX аср ўрталарида Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, араб дунёсида муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларнинг рўй бериши ва ташқи, яъни XX аср жаҳон адабий жараёнида реализмнинг табиий ривожланиши жараёнида *магик, психологик, интеллектуал реализм* оқимлари ва модернизмнинг *экспрессионизм, сюрреализм, экзистенциализм*, (Жеймс Жойс, Виржиния Вульф, Франц Кафка, Марсел Пруст, Жан Пол Сартр, Албер Камю ва б.) каби оқимларининг таъсири сабаб бўлди. Замонавий араб ҳикоячилиги жаҳон адабий жарёнидаги мазкур замонавий йўналиш ва оқимларнинг мазмун-моҳияти ва бадиий тасвир ва ифода воситаларини ўзлаштириш жараёнида бир вақтнинг ўзида миллийликни, миллий колоритни, шарқона кадрият ва бой адабий мерос анъаналарини сақлаб қолишга интилиш кучайди ва турли услубларни қўллаш йўлида тажрибалар кўпайиб борди.

Миср ва Машриқ мамлакатлари адабиётида ижоддаги янги, бадиий-услубий хилма-хиллик, замонавий йўналиш ва оқимларнинг кириб келиши араб адабиётшунослигида турли янгича ёндашишларни юзага келтирди ва уни янги босқичга олиб чиқди. Араб адабиётшуносларининг илмий-назарий тадқиқотларини ўрганиш жараёнида шу нарса кузатилдики, замонавий адабий жараёнларни, терминларни араб тилида истифода этиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

1) Фонетик ўзлашмалар бир терминнинг бошқа тилдан тўғридан тўғри ўзлаштирилиши, масалан, сюрреализм – «سورياليا» («сурйалийя») ¹³, киномонтаж – «المونتاج السينمائي» («ал-мунтаж-ус-синимайй») ¹⁴, коллаж – «كولاج» («куллаж») ¹⁵ ва ҳ. Фонетик ўзлашмаларда араб тилининг, шу жумладан, «ал» («ال») – «аниқлик артикли» ёки «иййун» («إي») нисбий сифатдош каби ўзига хос унсурлари кўшилади.

2) Сўзма-сўз калькалалаш – тўғридан тўғри таржимасини бериш, масалан, *экзистенциализм* – «الوجودية» («ал-вужудиййя») ¹⁶, *диний экзистенциализм* – «الوجودية الدينية» («ал-вужудиййат-ул-диниййату») ¹⁷, *магик реализм* – «الواقعية السحرية» («ал-воқиййийат-ус-сихриййату») ¹⁸ ва ҳ.;

¹³www.alrai.com>article_m. تطور و النشأة و القضية الفلسطينية: النشأة و التطور.

¹⁴Ўша манба.

¹⁵Ўша манба.

¹⁶لادبولوجيا في سوريا في سورية. دمشق. دار الحوار. 1985. ص. 95-96. بوعلي ياسين, نبيل سليمان. الأنب و

¹⁷Ўша китоб, – Б.96-98.

¹⁸www.alrai.com>article_m. تطور و النشأة و القضية الفلسطينية: النشأة و التطور.

3) Семантик калькалаш – бирон бир сўзнинг маъносидан келиб чиқиб таржимасини бериш, масалан, *модернизм* – «النزعة الحداثية» («ан-назъат-ул-ҳадасиййату») ¹⁹, *абсурд* – «العشبية» («ал-аъбсиййату») ²⁰, *символизм* йўналиши – «التيار الرمزي» («ал-иттижаҳ-ур-рамзиййу») ²¹, *онг оқими* – «التيار الوعي» («таййар-ул-ваъиййу») ²², *фрагментарлик* – «التقطيع» («ат-тақтиъ») ²³ ва ҳ.;

4) Ҳар бир миллий адабиётга хос терминлар. Бунда араб адабиётшунослари адабиётдаги янгиликларни жараёнларига мос терминларни яратдилар. Масалан, Миср ҳикоячилигида «янги мавж» – «الموجة الجديدة» («ал-мавжат-ул-жадида») ²⁴; Сурияда «миллий экзистенциализм йўналиши» – «الإتجاه القومي الوجودي» («ал-иттижаҳ ал-вужудиййа ал-қавмиййа») ²⁵; Ироқда «Индивидуализм йўналиши» «الإتجاه الفردي» («ал-иттижаҳ-ул-фардиййу») ²⁶, Иорданияда «фалсафий йўналиши» «الإتجاه الفلسفي» («ал-иттижаҳ-ул-фалсафиййу») ²⁷, Фаластинда *символизм* йўналиши – «التيار الرمزي» («ат-таййар-ур-рамзиййу») номлар остида ёндашилди. Биз араб адабиётшуносларининг замонавий терминларнинг араб тилида ифодасини беришдаги ёндашувларига қўшиламыз.

XX аср иккинчи ярми Миср ҳамда Машриқ мамлакатлари ҳикоячилигида ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгаришлар рўй берди. Модернизмга мойил баъзи араб ёзувчилари ижодидаянги бадиий тасвир воситалари яққол акс этган бўлса, баъзиларида эса уларнинг реалистик тасвир билан уйғунлашуви, яна бошқаларида реалистик тасвир устун бўлган ҳолда фақат инсоннинг ички борлиғи, руҳий кечинмаларидан иборат сюжет тизими кузатилади.

Араб ҳикоячилигининг янгиликларини босқичида психологик реализм хусусиятлари ироқлик Фуад ат-Текерли, мисрлик Муҳаммад Шаълон, Аҳмад Абдулла Митвалий, Муҳсин Юсуф, Гада ас-Самман, Валид Ихлосий ва бошқа адиблар ижодида кўзга ташланади. Фуад ат-Текерлининг «*Номаълум пичирлаш*» – «همس مبهم» ²⁸ («Ҳамсун мубҳим») ҳикоясида инсон руҳий кечинмаларини ёритишда *ички монологлар*, *паратекст* каби ўзига хос усуллардан фойдаланган. Аксинча, суриялик ёзувчи Закария Тамер, Муҳаммад Ҳофиз Ражаб, Жўрж Салим, Эдвар ал-Харрот каби ёзувчилар ижодида эса инсон руҳияти, фожевий ҳолатлар модернистик усулларда, яъни *реал* ва *ирреал борлиқнинг аралашуви*, *сюрреалистик тасвирлар*, *магик реализм хусусиятлари* намоён бўлади. Суриялик адиб Жўрж Салимнинг «*Менинг саҳроим*» – «صحرائي» ²⁹ («Саҳраиййу») ҳикоясида магик реализм унсурлари акс этган. Ҳикояда саҳро – ўлим тимсолидир. Закария Тамернинг «*Қамоқ*» ва

¹⁹ د. حسام الخطيب. القصة القصيرة في سورية دمشق. منشورات الثقافة والإرشاد القومي. 1982. ص. 57.

²⁰ منير عتيبة. حكايات البيبائي. قصص. دراسة. شوقي بدر يوسف. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 142-125.

²¹ محمد المشايخ. القصة القصيرة في الأردن – الجذور والتحويلات. www.divanalarab.com

²² د. دلال حسين. القصة الفلسطينية: النشأة والتطور. www.alrai.com>article_m.

²³ Ўша манба.

²⁴ حافظ صبري. الموجة الجديدة في الرواية المصرية. – الطليعة. 1971. يوسف الشروني. اللامعقول في الأدب المعاصرة. – القاهرة. 1969. كارانغ.

²⁵ د. حسام الخطيب. القصة القصيرة في سورية دمشق. 1982.

²⁶ د. عبدالله أحمد. الأدب القصصي في العراق. الجمهورية العراقية. 1977.

²⁷ محمود المشايخ. القصة القصيرة في الأردن – الجذور والتحويلات. www.divanalarab.com

²⁸ د. دلال حسين عنتاوي. القصة الفلسطينية: النشأة والتطور. www.alrai.com>article_m.

²⁹ archive.sakhrat.com.

جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. – دمشق: منشورات اتحاد الكتاب العرب. 1976. – ص. 15-26.

Жўрж Салимнинг «Менинг саҳройим» ҳикояларининг сюжети Франц Кафканинг «Жараён» асарини эслатади. Араб ёзувчиларининг ҳикоя қаҳрамонлари ҳам «Жараён» асарининг бош қаҳрамони Йозеф К. каби номаълум сабабларга кўра ҳибсга олинади, Закария Тамер ҳикоясидаги Мустафо ва Жўрж Салимнинг қаҳрамони ҳам Йозеф К. каби гуноҳи нима эканлигини англаш йўлидаги изтироблари ва натижада ҳеч қандай айбсиз ўлим ҳукмига маҳкум этилиш жиҳатлари билан ўхшашдир.

Замонавий араб ҳикоячилигининг янгилиниш босқичида экзистенциализм фалсафаси нуқтаи назардан инсоннинг жамиятдан, ҳаётдан «бегоналашув», «ёлғизланиб қолиш» ҳолатлари ва унинг сабаб-оқибатларини акс эттириш кучайди. Замонавий араб ёзувчиларидан Жўрж Салим, Эдвар ал-Харрот, Закария Тамер, Валид Ихлосий, Муҳаммад Ҳофиз Ражаб, Фуад ат-Текерли, Абдурахмон Мажид ар-Рубейъий ва бошқалар ижодида инсоннинг «бегоналашуви», «ёлғизланиши» ҳолатларининг бадиий тасвирирамзий, мажозий, фалсафий қарашлар билан йўғрилган. Жумладан, Жўрж Салимнинг «Чиганоқ» – «القوفة» («ал-Қавқа») ҳикоясидаги ўзига хос бадиий талқинда «бегоналашуви», «ёлғизланиши» ҳолатининг миллий хусусиятлар сақланган кенгроқ тасвирланган. Жўрж Салимнинг «Чиганоқ» ҳикоясида қаҳрамонининг ҳаёти абсурд даражасига етмаган ва тушкунлик ҳолатидан чиқиб кетиш йўли кўрсатилган. Янгилинишлар босқичида ижтимоий муаммолар гирдобида қолган инсоннинг тақдири ташқи муҳит билан боғланмаган ҳолда, фақат унинг ички «мен»и, инсон ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишлари «онг оқими», сюрреалистик тасвирлар орқали ифодаланмоқда. Жумладан, Закария Тамернинг «Негр одам» – الرجل الزنجي («ар-Ражаул-уз-занжий») ҳикоясининг сюжети қаҳрамоннинг асосан онг оқимига қурилган. Закария Тамер ҳикояда психоанализ асосчиси Зигмунд Фрейднинг инсон онгининг онглилик ва онгсизлик ҳолатлари каби фикрларини акс эттиргандек гўё. Закария Тамер қаҳрамонининг руҳиятидаги кучли ўзгаришлар онг оқими орқали унинг иккинчи қиёфаси «негр одам» образи орқали баён этилади. «Негр одам» – бу унинг ички «мен»и ёки Зигмунд Фрейд таъбири билан айтганда, «у»дир. Ёзувчи ҳикоясида инсоннинг мураккаб табиати, бир-бирига зид, қарама-қарши оламини бир одамда бир вақтнинг ўзида икки хил қиёфада, яъни ташқи «мен»и онглилик ҳолати ва ички «мен»и ёки «у» онгсизлик ҳолати орқали акс эттиради. Замонавий араб ёзувчилари ижодида инсоннинг ички дунёси, унинг ўй-фикрлари онг оқими орқали тасвирланиши билан бир қаторда уларда сюрреалистик тасвирлар ҳам яққол кўзга ташланади. Муҳаммад Ҳофиз Ражабнинг «Тўп ва одамнинг калласи» ҳикоясида сюрреалистик тасвирлар (қаҳрамоннинг футболчиларга тўп ўрнига ўз бошини бериши) орқали жамиятда инсонлар маънавий савиясининг сусайиши акс этган.

Замонавий араб ҳикоячилигида экзистенциализм йўналишининг «маъноси йўқ ҳаётда яшаётган ёлғиз инсоннинг мавжудлиги»³⁰ каби ғоялар «поезд» рамзий образи орқали ифодаланганлиги кузатилади. «Поезд»

³⁰Теория литературы. Литературный процесс. – Т.4. – М.: Наследие, 2001. – С.309.

универсал рамз ҳисобланиб, XX аср жаҳон адабиётида³¹ кўп мурожаат қилинадиган тимсолдир. Ушбу рамз мисрлик Дийо аш-Шарқовийнинг «Кундалик поездида саёҳат»–«رحلة قطار كل يوم»³²(«Рихлатун қитар кулли йавм»), Эдвар ал-Харротнинг «Вокзал – 3»«(3) – محطة السكة الحديدية»³³ («Маҳаттат-ус-суккат-ил-ҳадид- 3»), суриялик Жўрж Салимнинг «Поезд»– «القطار»³⁴ («ал-Қитар») ва бошқа адиблар ҳикояларида намоён бўлди. Мазкур ёзувчиларнинг ҳикояларида номаълум томонга кетаётган «поезд» орқали инсон ҳаёти, тақдири рамз сифатида акс этиб, инсон бу дунёда ёлғиз, унинг ҳар бир яшаган куни уни ўлимга яқинлаштиради ва унинг ҳаётида масъулият фақат ўзигагина тушади, бошқа ҳеч ким унинг ҳаёти учун масъул эмас каби экзистенциаллик ғоялари илгари сурилган. Фаластин ва Йорданиялик Исо ан-Нурий («Қилич гапирсин», «Жанг майдонида қайтиш», Юсуф Дамра «Вагонлар», «Онамга етиб бормаган мактублар») ҳамда Ҳусний Файриз («Саросима фикрлар») каби ёзувчилар ижодида мамлакатдаги сиёсий вазиятларни рамзий ифодалаш кузатилади. Ҳозирги кунда Тунисда истиқомат қилаётган фаластинлик адиб Тавфиқ Файод ижодида воқеликни рамзий ифодалаш алоҳида аҳамият касб этади. Тавфиқ Файоднинг «Яхшиликнинг онаси»³⁶ «أم الخير» - («Умм-ул-хайри») ҳикоясида аёл –она ватан тимсоли сифатида тасвирланган. Ҳикояда она – Фаластин, онанинг ўзини ҳам, оиласини ҳам чақиб ўлдирган илон эса унинг Ватанини босиб олган ёвуз кучларнинг рамзи сифатида ифодаланган. Лекин, илон чакса ҳам аёл атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатидан яна оёққа туриб кетади. Бу орқали ёзувчи ватанни ёвуз душманлар қанчалик хароб қилмасин, бутунлай яксон қила олмаслиги, халқининг меҳр ва садоқати туфайли гуллаб яшнаши каби кўтаринки ғояларни илгари суради. Мана шундай кўтаринки кайфият Маҳмуд ал-Вардонийнинг «Денгиз ёнида» - «أمم البحر» («Амама-л-баҳри») ҳикояси учун ҳам хосдир. Ёзувчи ҳикояда ортиқча тафсилотларсиз, фақат қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатлари орқали унинг ҳолатини, ички кечинмаларини очиб беради. Ушбу ҳикоятасвирида қаҳрамоннинг ҳатти– ҳаракатларида бегоналашишдан қутилиш, яқинларга, оилавий муносабатларга ташналик руҳи сезилиб туради.

Мазкур бобда Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётида XX аср иккинчи ярмидаги янгилашиш жараёнлари, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хосхусусиятлари ва ўхшашликлари, замонавий йўналиш ва оқимларнинг араб ҳикоячилигида акс этиши каби масалалар араб ёзувчилари асарлари мисолида киёсий-типологик далилланган ва уларга муносабат билдирилган.

Диссертациянинг «Замонавий араб ҳикоячилигида анъана ва новаторлик мутаносиблиги» номли учинчи бобида замонавий араб

³¹Қаранг: Б.Пастернакнинг “Вокзал” шеъри, Дино Буццатининг “Тезюрар поезд”, ўзбек адибаси С.Вафонинг ҳикоялари ва б.

³² ضياء الشرقاوي. رحلة قطار كل يوم. قصص القاهرة. 1966.

³³ ادوار الخراط. اخشافات العشق و الصبح. قصص القاهرة. دار المستقبل العربي. 1983. ص. 71-84.

³⁴ جورج سالم. الرحيل. قصص منشورات اتحاد الكتاب العرب. دمشق. 1970. ص. 7.

³⁵Муҳиддинова Д.З. Жўрж Салим ҳикояларида бадиий тафаккур эволюцияси. филол. фил. номз. диссер.– Т., 2008.

³⁶توفيق فياض. الشارع الأصفر. مجموعة قصص المؤسسة العربية للدراسة و النشر. الطبعة الاولى – 1968. الناصرة. ص. 62-70.

ҳикоячилигида ўрта аср адабий жанрлари унсурларининг истифода этилиши ва улардаги янгиланишлар моҳияти, шунингдек, асотир ва муқаддас китоблардан олинган мавзуларнинг, образларнинг янгича услубда акс эттирилиши араб ёзувчилари ҳикояларининг таҳлили орқали далилланган.

Замонавий араб ёзувчилари мумтоз адабиётдаги *ибратли ҳикоя* (притча) ва *масал* жанрларининг рамзий-мажозий хусусиятларини сақлаган ҳолда, ўз даври учун долзарб бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муаммоларни бадиий ифода этишда баъзи ёзувчилар модернистик усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларни фикрлашга, мулоҳаза юритишга чорлайдилар. Жумладан, Миср адиби, Нобель мукофоти совриндори Нажиб Маҳфузнинг «*Соябон остида*» – «*تحت المظلة*»³⁷ («*Тахта-л-мазала*») ҳикоясида рамзий-мажозий, ҳикматомуз мазмун, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари ва маънавий тубанлашувининг сюрреалистик тасвири фониди акс эттирилган. Ҳикоянинг композицияси коллаж, фрагментарлик, кинокадр услубида бўлиб, ёзувчи воқеа-ҳодисалар тасвирини бир-бирига боғланмаган бир неча эпизодларда баён этади. Шунингдек, Нажиб Маҳфузнинг «*Норвег каламуши*», «*Туш*» ҳикоялари ҳам «*ибратли ҳикоя*» (притча) мазмунида бўлиб, Мисрнинг замонавий тарихи рамзлар орқали тасвирланган.

Масал жанри хусусиятларини давом эттириш XX аср араб адабиётида Абдурраззоқ ал-Ҳамуд, Адиб Аббос, Исҳоқ Мусо ал-Ҳусейний, Валид Ихлосий, Закария Тамер, Мунир Утейба каби ёзувчилар ижодида кузатилади. Суриялик адиб Валид Ихлосийнинг «*Паиша*»³⁸ – «*ذبابة*» («*Зубаба*») ҳикоясида масал жанридаги ҳайвон, ҳашоратлар тимсолида мажозий-рамзий маънони ифодалаш имконидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Мисрлик ёзувчи Мунир Утейбанинг «*Тун қироли*» – «*ملك الليل*»³⁹ («*Малик-ул-лайл*») ҳикоясида эса ит ва бўри тимсолида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги ашаддий кураш каби азалий, умумбашарий муаммолармажозий равишда акс эттирилган. Унда бутун башариятни қийнаб келаётган терроризм бўри тимсолида ифода этилган. Иорданиялик замонавий ёзувчи Илйос Фарқуҳнинг «*Ким денгизни ишғол қилади?*» – «*من يحرق البحر؟*»⁴⁰ («*Ман йаҳрус-ул-бахр?*») ҳикоясида эртак жанрига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Ҳикоя бош қаҳрамони бўлган қизнинг йигитни тушида кўриб севиб қолиши, ўша севгилисини ўз хаёлларига кўчириши эртакка хос мотивдир. Ҳикояда қизнинг ҳаёлий севгиси орқали тасаввуф ғоялари илгари сурилган. Эртакона хусусиятлар Закария Тамер ижодида «*Қуш*», «*Кичкина қалб*», «*Ранда*» ва бошқа шу каби ҳикояларида кузатилади.

Замонавий араб ҳикоячилигида «*риҳла*» («*саёҳатнома*») жанри, мумтоз бадиий санъатлардан фойдаланиш ҳам кузатилади. Жумладан, ироқлик ёзувчи Абдурахмон Мажид ар-Рубейъийнинг «*Сув сирри*» – «*سر الماء*»⁴¹ («*Сирр-ул-ма*») ҳикоясида бош қаҳрамон социологнинг Ироқнинг чекка ҳудудларига сафари,

37. نجيب محفوظ. تحت المظلة. قصص. القاهرة. مكتبة مصر. دار مصر للطباعة. 1967.

38. وليد اخلاصي. دماء في الصبح الأغر. مجموعة قصص. مكتبة الشهباء – حلب. 1968. ص. 81-95.

39. منير عتيبة. حكايات البيبائي. قصص. ام الرجال. القاهرة. 2002. ص. 16-18.

40. الياس فركوح. من يحرق البحر؟ قصص. – عمان: دار المنشورات. 1986. ص. 13-20.

41. عبد الرحمان مجيد الربيعي. سر الماء. مختارات قصصية. دار المعارف للطباعة والنشر. سوسة – تونس. 1993. ص. 113-126.

ботқоқликда яшайдиган ирокликларнинг ҳаёти, уларнинг урф-одатлари ҳақидаги баёнида саёҳатнома жанри, бадавий шоир Бусайнанинг Жамили⁴² қасидасидан келтирилган парчада эса «ирсол ул-масал» бадий санъати намён бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярми ва охирларида замонавий араб насрида, хусусан, ҳикоянависликда *мифологик образ* ва *сюжетларга* мурожаат этиш кучайди. Уларда мифларга эркин ижодий ёндашув орқали кўпинча экзистенциалик ғоялар ифода этилган. Замонавий Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётида *Нажиб Маҳфуз, Юсуф Идрис, Дийо аш-Шарқовий, Жўрж Салим, Мунир Утейба, Закария Тамер, Абдурахмон Мажид ар-Рубейъий, Муҳаммад Шаълон, Илийос Фарқуҳ, Валид Ихлосий, Муҳаммад Иброҳим ал-Ҳож Солиҳ* ва бошқа бир қатор ёзувчилар мифологик сюжет ва образларга ижодий ёндашув натижасида тағ маъноларга эга мураккаб услубдаги асарларини яратдилар.

Жаҳон адабиётида *грек мифологиясига* мурожаат этиш (француз, араб, ўзбек ва б.) жуда кўп кузатиладиган бадий ҳодисадир. Айниқса, Сизиф ҳақидаги мифга кўпроқ эътибор қаратилади. Замонавий Миср ёзувчиларидан Дийо аш-Шарқовий «*Бог*»⁴³ – «*الحديقة*» («*ал-Ҳадиқа*») ҳикоясида реал воқеликни тасвирлаб, Сизиф образини Миср деҳқони образига кўчиради. Француз адиби Албер Камюнинг «*Сизиф ҳақида миф*» фалсафий рисоласидан фарқли равишда, ёзувчи деҳқоннинг оғир меҳнати, унинг натижага бўлган тинимсиз интилишининг бесамар кетмаслиги, охир-оқибат унинг боғ ярата олиши қадимги Миср мифологик образи, яратувчилик ва ҳосилдорлик маъбуди Осирисга ишора қилиш, шарқона дунёқараш орқали акс эттиради. Суриялик ёзувчи Жўрж Салимнинг «*Қалъа*» – «*الحصن*»⁴⁴ («*ал-Ҳасн*») ҳикояси сюжетида грек мифининг янгича талқинини кузатиш мумкин. Албер Камюнинг талқинидан фарқли ўлароқ Жўрж Салим ҳикоясида жазо ижроси шарқона ҳал этилади, яъни бунинг учун қаҳрамон комиллика эришиши, покланиши лозимлиги таъкидланади⁴⁵.

Замонавий араб ёзувчилари ижодида қадимий *шарқ халқлари мифологиясига* мурожаат этиш ҳам кузатилади. Миср адиби Юсуф Идриснинг «*Ҳаммол*»⁴⁶ ҳикояси шулар жумласидандир. Юсуф Идрис мазкур ҳикояда ҳаммол образини очиб мақсадида қадимги Миср мифологик образларидан Птах Ра⁴⁷ образидан фойдаланади. Ҳикояда миллион йиллардан бери унга озодлик берилса-да, ҳаттоки унга ўзи кўтариб юрган тахт совға қилинса-да, тахтни ерга қўймасдан кўтариб юрган ҳаммол образи тасвирланган. Мазкур

⁴²Бусейнанинг Жамили – асли исми Жамил ибн Абдуллоҳ ибн Маамар бўлиб 660-701 йилларда яшаган таниқли бадавий шоир. Жамил ўз севгилиси Бусейнага агаб қасидалар ёзади, натижада “Жамил Бусейна”, яъни Бусейнанинг Жамили лақабини олади. Жамил ва Бусейна орасидаги муҳаббат кейинчалик араб халқи орасида афсонага айланган.

⁴³ ضياء الشرقاوي. الحديقة. قصص. القاهرة. 1976.

جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. – دمشق: منشورات إتحاد الكتاب العرب 1976. – ص. 27-36.

⁴⁵Замонавий ўзбек адабиётида Сизиф образига мурожаат Улуғбек Ҳамдам “Лола”, “Кўнглимдаги дарё” ҳикоялари, Хуршид Дўстмуҳаммад “Донишманд Сизиф” романларида кузатилади.

⁴⁶Идрис Ю. Носильщик. /Современный египетский рассказ/ – М.: Наука. 1988. – С.65-69.

⁴⁷Птах Ра – қадимги Миср мифологиясига кўра, Мемфис шаҳрининг Худоси. Мемфис қоҳинларининг фикрича, Птах дунёни ва ундаги барча нарсани яратган.

ҳикояда муаллиф магик реализмдан, яъни реал воқелик таркибида ғайритабиий, фантастик воқеликни акс эттириш, тарих, ҳозир ва келажакни биргина рамзий образ–ҳаммол орқали ифода этиш усулидан фойдаланган. Ҳикояда Библиядаги Мусо пайғамбарининг халқига аталган ерга олиб бориш учун ўз халқини қирқ йил давомида қувғинликдан ва қулликдан озод қилиш мақсадида чеккан азоблари сингдирилгандек гўё. Шунингдек, Мунир Утейбанинг «*Кишилар онаси*» – ⁴⁸«ام الرجال» («*Умму-р-рижал*»), «*Тун қироли*»– «*ملك الليل*»⁴⁹ («*Малик-ул-лайл*») каби ҳикояларида антропологик миф мавзуларидан эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш мистик кўринишда акс эттирилган.

Замонавий араб ҳикоячилигида муқаддас диний китобларга, улардаги қиссалар, ривоятларга янгича ижодий ёндашган ҳолда мурожаат этиш кузатилади. Замонавий араб ёзувчилари пайғамбарлар (Иброҳим, Юсуф, Исо ва б.) ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни асарларида талмех, «*ирсол-ул-масал*» санъатларини қўллаган ҳолда ифодаладилар. Бу турдаги асарларда ижодкорларнинг икки хил ёндашувларини кузатиш мумкин, бири пайғамбарлар ҳаётидаги бирон бир воқеани асар мазмунига сингдириб юбориш, иккинчиси, асарда архетип образларни акс эттириш. Жумладан, Жўрж Салимнинг «*Қонлар*» – «*الدماء*»⁵⁰ («*ад-Дима*») ҳикоясига диний манбаларда келтирилган Иброҳим пайғамбар ва унинг ўғлининг иймонини синаш учун ўғлини қурбон қилиши кераклиги ҳақидаги воқеа асос қилиб олинган. Ҳикоя бош қаҳрамони Иброҳим архетип образ. Ҳикояда сирли овоз билан Иброҳим ўртасидаги диалогларда диний манбалардаги *Иброҳим пайғамбар ҳаёти* билан боғлиқ воқеаларга ишора қилинади. Шунингдек, Закария Тамернинг «*Гўзал Юсуф*» ҳикоясида *пайғамбар Юсуф* ҳақидаги қисса ҳикоя сюжетига сингдирилган, яъни, жамиятнинг камбағал қатлами болалари ўзига тўқ оиладан чиққан бегуноҳ ўртоқларини, худди диний манбаларда келтирилган Юсуф пайғамбар ҳаётида бўлганидек, ҳасад қилиб сувда чўктириб юборишлари тасвирланган. Бунга ёзувчи фақат асар сарлавҳасида ишора қилади. Мисрлик ёзувчи Муҳаммад Шаълоннинг «*Чақмоқ*»⁵¹– «*الومضة*» («*ал-Вамда*») ҳикоясида «талмех» санъати орқали («*У ўзига ўзи бу молу дунё, на болалар ёрдам берадиган кун деб айтади*»), ибораси орқали Куръони Каримнинг «*Наба*», «*Назиат*», «*Абаса*», «*Таквир*», «*Инфитор*», «*Мутаффиун*», «*Инишқоқ*», «*Буруж*», «*Ториқ*» ва «*Қиёмат*») суралари оятларига ишора қилади. «*Чақмоқ*» ҳикоясининг сюжети онг оқимида қурилган бўлиб, туш, галлюцинация каби бадиий ифода воситалари орқали ҳикоянинг мазмун-моҳияти, қаҳрамоннинг руҳий ҳолатлари очиқ берилди. Ёзувчилар ижодида муқаддас диний китобларда келтирилган жаннат васфи, жаннат боғларининг тасвирлари, охират, бу дунёнинг ўткинчилиги тўғрисидаги хабарларга ҳам ижодий ёндашув кузатилади. Ушбу масала бўйича араб ёзувчиси Жўрж Салимнинг бир қатор ҳикояларини мисол

48. منير عتيبة. حكايات البيباني. قصص. القاهرة: الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 21-25.

49. منير عتيبة. حكايات البيباني. قصص: ام الرجال. القاهرة: 2002. ص. 13-16.

50. جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. دمشق: منشورات اتحاد الكتاب العرب. 1976. ص. 53-58.

51. محمد شعالان. الومضة. قصص قصيرة. القاهرة: الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 7-10.

келтириш мумкин. Жўрж «Фирдавс» – ⁵²«الفردوس» («ал-Фирдавс») ҳикоясида⁵³ реал, кундалик воқелик таркибига ғайритабiiй, фантастик воқеликни бириктиради. Ҳикояда ҳам реал манзараларни васф этувчи матнга боғ тимсолида *жаннат тасвири* киритилиб, афсонавий гўзаллик муҳити яратилади. Бу муҳит ҳикоя сарлавҳаси билан боғланиб мотивацион яхлитлик яратади ва композицион бутунликни таъминлайди. Ёзувчи мазмуний мақсадни ном даражасига кўтариб инсон тақдири, умри, охирати, бу дунёнинг ўткинчилиги ҳақида диний-фалсафiiй фикрларни баён этади ва инсон такомиллашувини жаннат билан боғлайди.

Мазкур бобда анъана ва новаторлик масаласи, шу жумладан, араб ҳикоячилигида ўрта аср араб адабиётининг насрий жанр хусусиятларининг акс этиши, мифологик сюжет ва образларга, фольклор жанрларига, диний манбалардаги пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар, дунё, охират, қиёмат ҳақидаги хабарларга янги, ўзига хос ижодий мурожаати араб ёзувчилари асарларининг таҳлили, шунингдек, худди шундай жараёнлар кечаётган ўзбек ҳикоялари намуналари билан қиёсий таҳлиллар асосида очиб берилган.

Диссертациянинг «**Араб ҳикоячилигининг XX аср охири XXI аср бошида ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида замонавий араб ҳикоячилигида жанр турлари ва уларнинг намуналари «*қисқа ҳикоя*» шаклидан ташқари, хусусан «*узун ҳикоя*» ва «*энг қисқа ҳикоя*» шаклларининг мазмуний-бадиий хусусиятлари тадқиқ этилган.

Замонавий араб ёзувчилари ижодида ҳикоя жанри турли шаклларда учрайди, жумладан, «*узун ҳикоя*» – «*قصة طويلة*» («*қиссатун тавилатун*»), «*қисқа ҳикоя*» – «*قصة قصيرة*» («*қиссатун қасиратун*») ва «*энг қисқа ҳикоя*» «*قصة قصيرة جدا*» («*қиссатун қасиратун жиддан*») шакллари⁵⁴ мавжуд бўлиб, араб ёзувчилари мазкур кичик эпик жанрнинг бой имкониятларини кенг намоён этиб бормоқдалар. «*قصة طويلة*» – «*узун ҳикоя*» шаклида *Ғада ас-Самман*, *Жамол ал-Ғитоний*, *Муҳсин Юсуф*, *Валид Ихлосий*, *Аҳмад Абдулла Митвалий*, *Абдурахмон Мажид ар-Рубейъий*, *Фуад ат-Текерли* ва бошқа кўплаб ёзувчилар ижод қилиб келмоқдалар. Уларга марказига қўйилган масалани кенгроқ ва батафсилроқ тасвирлаш, инсон руҳиятини, унинг ички оламини, ҳаттоки ўзига ҳам маълум бўлиб-бўлмаган ўй-кечинмаларни, онг оқимини очиш, тафтиш этиш, характернинг маълум бир воқелик тизимида турли тобланишларини акс эттириш хосдир. Замонавий араб адабиётидаги «узун» ҳикояларнинг «повесть» жанридан фарқи асардаги асосий қаҳрамон ҳаётида юз берган воқеанинг яхлит ҳолатда тасвирланиши, асар персонажларининг жуда чегараланган бўлиши билан тавсифланади. Бу борада мисрлик ёзувчи Аҳмад Абдулла Митвалийнинг «*Чироқ*» – ⁵⁵«السراج» («*ас-Сирож*») ҳикояси

⁵² جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. دمشق. منشورات اتحاد الكتاب العرب. 1976. ص. 59-66.

⁵³ Шу ўринда Жўрж Салимнинг “Фирдавс” ҳикояси ўзбек адиби Исожон Султоннинг “Боғи Эрам” ҳикояси билан ҳамоҳангдир. Ҳар икки адибнинг ҳикоялари мазмун-моҳияти, кўтарилган ғоя, сюжет, композиция, рамзий образлар тизими жиҳатидан ўхшашликлар борлиги аниқланган.

⁵⁴ Ҳикоя жанрига берилган мазкур атамаларни келтиришда араб адабиётшунослари Абдуллоҳ Аҳмад, Буали Ясин, Набил Сулайман, Саййид Ҳамид ан-Нассаж, Салоҳ ас-Сарвий, Далал Хусейнларнинг қарашларига таянилди.

⁵⁵ Ўша китоб, –Б.160-183.

диққатга сазовордир. Ҳикоя инсон руҳиятининг кенг кўламдаги тасвирига бағишланган. Унда ўрта ҳол кишининг вақти келиб нафақага чиқиши, бундай вазиятдаги инсоннинг руҳий ҳолати, унда ёлғизланиб қолиш туйғуларининг шаклланиши кабилар тасвирланган. Ҳикояда онг оқими билан бир қаторда, коллаж, кинокадр каби замонавий бадиий усуллар истифода этилган. Шу жиҳатдан қараганда, Ҳикоянинг сюжет ва композицияси ўзига хос услубда қурилган. Унда қаҳрамоннинг бир-бирига боғланмаган хотиралари, ҳиссий-кечинмалари, воқеа-ҳодисалар кинокадрдек бирма-бир тасвирланади. Ҳар бир кадр алоҳида эпизод сифатида боғланган, аммо уларнинг барчаси нафақага чиқиб, ҳаётда ўз мавқеини йўқотган одамлар қиссасияхлит тарзда очиб берилган.

Шунингдек, мисрлик адиб Жамол ал-Ғитонийнинг аксарият узун Ҳикоялари тақдир ҳукмидан азият чекаётган қаҳрамон ҳаётини тарихий воқеалар жараёни фонида кўрсатиши билан ажралиб туради. Унинг жодида йигирмага яқин Ҳикоялари тарихий мавзуларга бағишланган. Адибнинг «Мўғуллар»⁵⁶ («المغول») («ал-Мўғул») Ҳикояси мўғулларнинг Марказий Осиёга қилган юришига бағишланган. Ҳикоянинг услуби мураккаб, тасвир раво ва изчил эмас. Ёзувчи онг оқими, «Ҳикоя ичида Ҳикоя» каби анъанавий ва янги услублардан, Қуръон оятларига ишоралардан фойдаланиб тарихий Ҳикоя яратган. Мўғулларнинг Марказий Осиёга юриши, шу жумладан, Ўтрор билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳақида Мирқарим Осимнинг (1907-1984) «Ўтрор»⁵⁷ номли тарихий қиссаси ҳам мавжуд.

XX асрнинг охирига келиб замонавий араб адабиётида Ҳикоянинг *قصة* «قصيرة جدا» («қиссатун қасиратун жиддан») «энг қисқа Ҳикоя» шакли жаҳон адабиётидаги каби кенг оммалашди. Гарчи, бундай Ҳикоя шакли XX аср Ҳикоянависларининг, (хусусан, араб адабиётида⁵⁸) кашфиёти бўлмаса ҳам, эски анъаналар, янгитдан қайта тикланди. Ҳикоянинг мазкур шаклига муқобил термин берилиши бўйича ўзбек адабиётшунослигида аниқ тўхтамга келинмаган бўлса-да, «энг қисқа Ҳикоя», «шингил Ҳикоя», «япроқ Ҳикоя», «фиқра», «митти Ҳикоя», «жажжси Ҳикоя» каби терминлар ҳам истеъмолдалигини инкор этиб бўлмайди. Юқорида таъкидланганидек, тадқиқотимизда «энг қисқа Ҳикоя»⁵⁹ термини танлаб олинди.

Жаҳон адабиётида (инглиз адабиётида «very short story» (сўзма-сўз таржимаси «жуда қисқа Ҳикоя») ёки «short short story» (қисқагина Ҳикоя)), рус адабиётида «очень короткий рассказ» («жуда қисқа Ҳикоя»), форс адабиётида «достанак» (Ҳикояча), япон адабиётида «кафтдек Ҳикоя», турк адабиётида «минимал Ҳикоя» («кичик Ҳикоя») ва ҳ.к.) бу шаклдаги Ҳикоянинг кенг кўламда оммалашувига ижод эркинлиги, ёзувчиларнинг воқеа ҳодисаларга

⁵⁶ جمال الغيطاني. الأعمال القصصية. المجلد الثاني. القاهرة: الهيئة المصرية العامة للكتاب. 1991. ص. 91-125.

⁵⁷ Осим М. Ўтрор. Тарихий повесть. –Т.: Ўздавнашр, 1947. – Б.49.

⁵⁸ Ўрта аср араб адиблари Абу Усмон Амр ибн Бахр ал-Жохиз (жумладан, “Зиқналар”) (“البخلاء”), Абу Хайан ат-Тавҳидий (“Масаллар тўплами”) (“مجمع الأمثال”) дава бошқа адибларнинг ижодида мана шундай кичик ҳажмли Ҳикоялар яратилганлиги кузатилади. Айниқса, мумтоз араб адабиётида кенг тарқалган латифа хусусиятига эга бўлган энг кичик Ҳикоя бўлган “навадир” шакл, мазмун ва гоё жиҳатдан “энг қисқа Ҳикоя”га ўхшашдир.

⁵⁹ www.kh-davron.uz Дунё адабиётидаги энг қисқа Ҳикоялар.

субъектив ёндашуви ҳамда глобаллашув жараёнида катта ҳажмли асарларга нисбатан кичик ҳажмли асарларга бўлган талабнинг кучайиши каби омиллар сабаб бўлди.

Замонавий араб адабиётида *Нажиб Маҳфуз*, *Мунир Утейба*, *Иззат ал-Қамаҳавий*, *Маҳмуд ал-Вардоний (Миср)*, *Жуброн Халил Жуброн (Ливан)*, *Закария Тамер*, *Аъбир Холид Яҳё*, *Ҳийма ал-Муфтий (Сурия)*, *Бусайна ан-Носирий*, *Аҳмад Иброҳим (Ироқ)*, *Фарруқ Мавосий*, *Маҳмуд Шуқейр (Фаластин)*, *Юсуф Дамра (Иордания)* ва бошқа ёзувчилар ҳикоянинг мазкур турида ижод қилмоқдалар. Ушбу шакл ҳажм жиҳатдан ўзгаришларга учраган, айрим ҳикоялар бир нечта жумладан икки саҳифагача ҳажми ташкил этса, бошқалари эса, шеърий шаклда баён этилган.

«Энг қисқа ҳикоя»да воқеа-ҳодиса, ғоя ва фикрлар зичлашади, бундай ҳикояларга мавҳумлик, матн билан ўйин, тўғри маънодан қочиш, кутилмаган ечим, эртакнамолик, фалсафийлик, рамзийлик каби хусусиятлар хос бўлиб, бадий сўз ниҳоятда катта аҳамият касб этади. «Энг қисқа ҳикоя»нинг мавзулар доираси кенг бўлиб, фалсафий-мажозий, маиший-ахлоқий ва ижтимоий мазмун касб этади, шу билан бирга, ибратли ҳикоя (притча) жанрига яқин баён хусусиятлари кузатилади. Фалсафий-мажозий мазмун суриялик Аъбир Холид Яҳёнинг «*Жамланмалар*», «*Қисқарув*», «*Меъёр*» номли ҳикояларида, ибратли ҳикоя (притча) мазмунида эса ливанлик Жуброн Халил Жуброннинг «*Дур*», «*Тулки*», фаластин-иорданиялик ёзувчи Фаруқ Мавосийнинг «*Фил ва Азроил*», мисрлик Иззат ал-Қамаҳавийнинг «*Унинг унвони тасвири: Мен подшоҳман*» каби бир қатор ҳикояларида кузатилади.

Фалсафий-мажозий мазмундаги ҳикояларда мифларга ижодий ёндашув кузатилиб, уларда ахлоқий-маънавий масалалар акс этган. Жумладан, мисрлик ёзувчи Мунир Утайбанинг бир бетлик «*Огоҳлантириш*» – «*إنذار*» («*ал-Инзар*») номли ҳикоясида ҳинд халқининг «*Вишну*» маъбудиди ҳақидаги мифига ижодий ёндашув кузатилади. Унинг сюжетига интертекстуаллик хос бўлиб, ҳикоя бошида ҳинд мифологияси келтирилади, лекин ёзувчининг қаламига мансуб «афсона» эса ҳикоя сюжетининг кейинги тизимида кўзга ташланади.

Мисрлик Нажиб Маҳфузнинг «*Қирғоқда*», «*Оппоқ*», «*Сенда қадимий ҳикоя бор*», ироқлик Бусайна ан-Носирийнинг «*Сўз*», Аҳмад Иброҳимнинг «*Битта жумла*», суриялик Ҳийма ал-Муфтийнинг «*Аниқ нусха*», «*Ҳимоя*», Закария Тамернинг «*Момақалдироқ*», фаластин-иорданиялик Маҳмуд Шуқейрнинг «*Тегирмон*», «*Автобус*», Юсуф Дамранинг «*Бошлар*» каби энг қисқа-жажжи ҳикоялари ижтимоий мавзуларга бағишланган бўлиб, ҳаёт ташвишларию, қувончлари гирдобида қолган инсоннинг руҳий ҳолати, ҳис-кечинмалари, ўй-фикрлари рамзий-мажозий услубда баён этилган. Уларнинг айримларида рамзийлик, сюрреалистик тасвир ва киноя кучли, жумладан, иорданиялик Юсуф Дамранинг «*Бошлар*» – «*الرؤوس*» («*ар-Руус*») ҳикояси модернистик услубда ёзилган энг қисқа ҳикоянинг ёрқин намунаси дир⁶¹.

منير عتيبة. حكايات البياني. قصص. دراسة: شوقي بدر يوسف. القاهرة: الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 49.

⁶¹Юсуф Дамранинг «Бошлар» номли жажжи ҳикоясининг мазмуни билан кирғиз ёзувчиси Сулаймон Рисбоевнинг «Нима учун» жажжи ҳикоясида ўхшашлик кузатилади.

Ҳикояда одам бошларининг ерда думалаши, таналарнинг эса бошсиз юриши каби сюрреалистик тасвирлар орқали киноявий тарзда жамиятнинг маънавий тубан инсонлари қиёфасини акс эттирган.

Маиший-ахлоқий мавзуларга бағишланган энг қисқа ҳикояларда оилавий муносабатлар, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар тасвирланиб, қисқа ва лўнда жумлалар замирида катта маънолар мужассам этилган. Бу ҳикояларда ҳам маиший-ахлоқий мавзуларни ёритишда тағмаънолиликдан кенг фойдаланилган. Мисрлик адиб Иззат ал-Қамаҳавийнинг тасвирлари шулар жумласидандир.

تصويرة عادية

نظر فنظرت، تبسم فسرت، حيا فردت .
قال: أنت أجمل أنثي في العالم.
قالت: أنت أوسم من رأيت .
طلبها فوافقت .

كان ميسور الحال، أغدق عليها من حلاله و من حرامه . و فجأة انفصلا .. كانت حياتهما تسير كالمعتاد، فقط كانا توقفا عن الكذب»⁶²

Оддий тасвир

«У (эркак) назар ташлади ва у (аёл) ҳам назар ташлади. У табассум қилди ва у хурсанд бўлди, у саломлашди ва у жавоб қайтарди.

У (эркак) айтди: Сен дунёдаги энг гўзал аёлсан.

У (аёл) деди: Сен мен кўрганларимнинг энг кўркамлисисан.

У (эркак) унинг қўлини сўради ва у (аёл) унга рози бўлди.

Омадли ҳолат бўлди. У уни ўз жуфти ҳалолига олди ва унга ўз ҳарамидан жой берди. Кутилмаганда ажралишди.. Уларнинг ҳаёти одатдагидек давом этди, фақат улар алдашдан тўхтадилар».

Миср ёзувчиси ал-Қамаҳавий мазкур ҳикоясида аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларни ҳикоя ечимидаги «фақат улар алдашдан тўхтадилар» жумласи орқали бу муносабатларнинг носамимийлиги, ҳақиқий меҳр-муҳаббатга асосланмаганлиги, фақат инсон табиатидаги ҳайвоний, ўткинчи туйғуларга қурилганлигини акс эттирган.

Мазкур бобда замонавий араб ҳикоячилигидаги «узун ҳикоя» ва «энг қисқа ҳикоя» турлари ғоявий-эстетик жиҳатдан қиёсий-типологик таҳлил қилинди. Ёзувчиларнинг асарлари мисолида кутилмаган ечим ва динамик ўзига хосликларга эга бўлган ранг-баранг ҳикояларнинг мазмуний ва услубий хусусиятлари очиб берилган.

ХУЛОСА

Диссертацияда XX аср Миср, Сурия, Ироқ, Фаластин, Иордания, Ливан каби араб мамлакатлари адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлиллар асосида қуйидаги илмий-назарий хулосалар берилди:

1. XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари Миср ва Машриқ мамлакатлари адабиётида янги типдаги ҳикоя жанри икки омил:ўрта аср араб

عزت القمحاوي. حدث في بلاد التراب و الطين. قصص قصيرة. القاهرة: دار سعاد الصباح. 1992. ص. 77. 62

адабиёти, ҳамда Европа ва рус адабиётидаги ҳикоя жанрининг мазмуний ва услубий хусусиятлари таъсири асосида юзага келди.

2. XX асрнинг биринчи ярми Миср ва Машриқ мамлакатлари адабиётида янги типдаги ҳикоячилик маърифий реализм (XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг бошлари), сентиментализм ва романтизм (XX асрнинг боши), ижтимоий реализм (XX асрнинг 20-50-йиллари) каби йўналишларнинг устуворлиги очик сезилади.

3. Маърифий реализм босқичида ҳикояларда ўз даврининг ахлоқий, маърифий, маънавий, маиший мавзулар тасвирида дидактика нуқтаи назардан ёндашиш етакчилик қилган бўлса, ифода услубида анъанадан ҳали тўла узилмаган ҳолда намоён бўлган.

4. Миср ва Машриқ ҳикоянавислари сентиментализм ва романтизм босқичларида ўз даврининг долзарб ижтимоий-ахлоқий, маърифий мавзуларига эътиборни кучайтирдилар. Бу босқичда романтик образлар тизимининг шаклланиши, характер яратилиши билан бевосита боғлиқ бўлган қаҳрамон рухий дунёсининг нисбатан чуқур тасвирлашга ўтилиши намунавий жамият, идеал образ, инсон шахсига юксак муносабатда бўлиш каби хусусиятлар, ҳикоялар поэтикасида бадиий тилнинг соддалашуви, диалог, монолог каби нутқ воситалари янада фаоллаша бошлади.

5. Ижтимоий реализм босқичида ижтимоий муаммоларга эътибор қаратилиб, замондош кишилар қиёфасини акс эттирувчи жонли, ҳаётий образ ва характерларнинг яратилиши, асар руҳиятида миллий характер, миллий колорит берилиши кузатилади. Бу босқичда қаҳрамон рухий кечинмаларини ёрқин акс эттириш, муаллиф нутқида диалог, монологларнинг қўлланилиши, сюжет қурилишида хилма-хиллик, композицион уснурларнинг такомиллашуви каби хусусиятлар мукаммалашди.

6. XX асрнинг 50-йиллар Миср ва Машриқ мамлакатлари ҳикоячилиги «Янги реализм» номини олган кейинги босқичга ўтди. У «социалистик реализм», «танқидий реализм» каби турли йўналишларда ривожланди. Ушбу босқичда мазкур мамлакатлар ҳикоячилигида табақаланиш, мафкуравий устунлик, инқилобий образлар пайдо бўлди. Айнан мана шу даврда ҳикоячиликда араб халқининг инглиз ва француз мустамлакачиларига қарши миллий-озодлик кураши, мустақиллик учун кураш мавзуси етакчилик қилди. Машриқ араб мамлакатлари ичида Фаластин ва Йордания ҳикоячилигида ман шу даврда ўзига хос специфик хусусиятларга эга тарзда ривожланди. Фаластининг Исроил билан қонли можаролари (1948 йилда биринчи араб-исроил уруши) сабабли босиб олинган худудни озод қилиш, мухожирлик мавзулари асосий ўринни эгаллади.

7. XX асрнинг 60-йилларига келиб Миср ва Машриқ мамлакатлари адабиётида янгиланиш тамойиллари кузатилди. Бу давр адабий жараёни кўп тармоқчилиги билан ажралиб турди. Мазкур давр ҳикоячилигида услубий ранг-баранглик, реализм ва модернизмнинг йўналиш ва оқимларининг параллел равишда ривожланганлиги кузатилди.

8. XX асрнинг иккинчи ярми Миср ва Машриқ мамлакатлари ҳикоячилигида янгиланиш тамойиллари асосий икки омил асосида шаклланди.

Биринчиси, ички омил, яъни араб-исроил урушида арабларнинг мағлубияти, араб мамлакатларидаги турли низо ва қарама-қаршиликлар, воқеликка нисабтан танқидий қарашнинг кучайиши, араб ёзувчилари дунёқарашининг ўзгариши, бадий тафаккур такомиллиги, ижодда янгилик, бадий-эстетик изланишларнинг юзага келишидир. Иккинчи, ташқи омил жаҳон адабиётидаги экспрессионизм, сюрреализм, экзистенциализм каби модернистик, ҳамда реализмнинг магик, психологик, интеллектуал реализм каби йўналиш ва оқимлар таъсирининг кучайиши билан изоҳланади.

9. Ушбу минтақада янгиликлар жароғлари икки босқичда ривожланди. Биринчиси, XX аср 50-60-йиллари адабиётидаги янгиликлар жароғи бўлиб, Миср ҳикоячилигида «Янги мавж», Сурияда «Миллий экзистенциализм йўналиши», Ироқда «Индивидуализм йўналиши», Иордания ва Фаластинда «Фалсафий йўналиш», «Символизм йўналиши» каби номлар остида танилган бўлса, иккинчиси, XX асрнинг 80-90-йилларига тўғри келади. Бу давр Миср ва Машриқ мамлакатлари адабиётида бадий изланишларда кўп тажрибалар ўтказиш билан боғлиқ бўлган «Янгилик ҳис қилиш» номи билан танилган босқич билан ажралиб туради.

10. Янгиликлар жароғида ўрганилаётган мамлакатлар ҳикоячилигида мазмуний ўзгаришлар қуйидагиларда акс этди: ёзувчилар дунёқарашда субъектив муносабатлар юзага чиқди, инсон «мен»ининг иккига бўлиниши, инсон руҳияти ва унинг туб моҳияти, инсоннинг руҳан парчаланиши, унинг сирли дунёсини акс эттиришга интилишлар кучайди. Бу мавзуларни ёритишда инсоннинг жамиятдан, ҳаётдан «бегоналашув», «ёлғизланиш» ҳолати ва унинг сабаб-оқибатлари экзистенциализм фалсафаси нуқтаи назаридан тушунтирилди. Ҳаётий ва миллий муаммолар доирасида умумбашарий ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий масалаларрамзий, мажозий ҳамда сюрреалистик тасвирлар орқали тасвирланди.

11. Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётидаги янгиликлар босқичида услубий ўзгаришлар ўзида қуйидагиларни мужассамлаштирди: асар қахрамонига реал хронотопик характеристика бермасдан баъзан исмсиз қолдириш, воқеалар кечадиган макон ва замонни географик жиҳатдан чексиз қилиб тавирлаш, ҳикояларни моҳиятан серқатлам бўлиши (шу даврда ижод қилган барча араб ёзувчилар услубига хос), замонавий ифодавий-тасвирий воситалар «онг оқими», фрагментарлик, кинокадр, коллаж, галлюцинация, сюрреалистик тасвирлар, тағмагнолилик кабиларидан кенг фойдаланилди. Тасвирда сюжетнинг реал ва нореал каби қисмларга бўлиниши, туш ва ўнгнинг аралашиб кетиши, фантастик унсурларнинг қўлланиши каби магик реализм унсурлари, ассоциатив тасвирлар, рамзийлик, мажозийликнинг кучайиши кузатилди.

12. Шу босқичда адабий мерос анъаналари, яъни «мақома», «риҳла» (сафарнома), ибратли ҳикоя (притча), масал, эртак каби жанрлар хусусияти замонавий бадий тасвир ва ифода воситалари билан уйғунлаштирилган ҳолда истифода этилди. «Ирсол ул-масал», талмеҳ каби мумтоз бадий санъат намуналари замонавий араб ёзувчилари ижодида эпиграф, лирик чекиниш тарзида берилиши кузатилди.

13. Муқаддас диний китоблар мавзулари (охират, қиёмат, жаннат, дўзах) ва образларининг (пайғамбарлар) ёритилиши янгича бадий-эстетик услубларда ифодаланди. Пайғамбарлар ҳаётига оид қиссаларга мурожаат талмеҳ санъати орқали ифодаланди. Бу турдаги асарларда ижодкорларнинг икки хил усулда ёндашувларини кўриш мумкин: бири Пайғамбарлар ҳаётидаги бирон бир воқеани асар мазмунига сингдириб юбориш, иккинчиси, асарда архетип образларни акс эттириш, яъни асар қаҳрамонини ўша пайғамбар исми билан аталиши ва пайғамбар ҳаётидаги воқеаларни асар қаҳрамонининг ҳаётига сингдириб юборилиш каби усуллар кузатилди.

14. Замоनावий араб ҳикояларида асотирлаштириш ҳодисалари Миср ва Машриқ мамлакатлари замоनावий (ва ҳозирги замон) адабиётида алоҳида бадий-эстетик жараён сифатида шаклланиб, «мифологик йўналиш» номини олди. Араб ҳикоянавислари ижодида жаҳон грек, ҳинд, қадимги шарқ халқлари кабиларнинг мифологияси алоҳид аҳамият касб этади. Араб адиблари асарларида, бир томондан, мифларга эркин ижодий ёндашув кузатилса, иккинчи томондан, бугунги кун воқелигини (поклик, маънавий баркамоллик), инсон борлиғи, ҳаёти ва тақдирига боғлиқ масалаларни сўз санъати талабларидан келиб чиқиб, юксак бадиият билан акс эттириш хос.

15. Янгиланиш босқичида араб ҳикоячилигида ҳикоянинг янги шакллари намоён бўлди. Замоनावий араб адабиётида «қисқа ҳикоя»—«قصة قصيرة» («қиссатун қасиратун») шаклидан ташқари «узун ҳикоя» — «قصة طويلة» («қиссатун тавилатун») ва «энг қисқа ҳикоя» — «قصة قصيرة جدا» («қиссатун қасиратун жиддан») шакллари ривожланди.

16. «Узун ҳикоя» — «قصة طويلة» («қиссатун тавилатун») ҳажм жиҳатдан ўн беш саҳифадан эллик саҳифага бўлган ҳикоялар бўлиб, «қисқа ҳикоя» туридан фарқли равишда марказга қўйилган масалани кенгроқ ва батафсилроқ очиш, инсон руҳиятини, унинг ички оламини, ўй-кечинмалари, онг оқимини очиш, тафтиш этиш, характернинг, шунингдек тарихий воқеаларни кенг кўламдаги тасвири хос.

17. «Энг қисқа ҳикоя» — «قصة قصيرة جدا» («қиссатун қасиратун жиддан») хили шакл жиҳатдан ўзгаришларга дуч келди. Биринчидан, ҳажм жиҳатдан бир неча қаторли жумлалардан икки саҳифагача ҳажмни ташкил этса, иккинчидан, аксарият шеър шакли кўринишига эга. «Энг қисқа ҳикоя» шаклида воқеа-ҳодисалар ғоят зичлашиб, фикр ҳам тиғизланиб, мавҳумлик, матн билан ўйин, тағ маънолилик, рамзийлик, хотиманинг кутилмаган ечим топиши, эртақнамолик, фалсафий мазмундорлик, хос бўлиб, бадий тил ниҳоятда катта роль ўйнайди. Араб ҳикоячилигида мазмуний нуқтаи назардан «энг қисқа ҳикоя» шакли фалсафий-мажозий мазмунда, ижтимоий ва маиший-ахлоқий мавзулар доирасида акс этди. «Энг қисқа ҳикоя»ларда адабий мерос анъаналари ҳам, замоनावий бадий тасвир ва ифода воситаларининг уйғунлашуви ҳам кузатилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

МУХИДДИНОВА ДИЛАФРУЗ ЗОХРИДДИНОВНА

**СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ АРАБСКОЙ НОВЕЛЛИСТИКИ
XX ВЕКА**

10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

город Ташкент – 2017 год

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.DSc/Fil37

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице совета www.tashgiv.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный консультант: | Ходжаева Рано Умаровна доктор филологических наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Хасанов Саидбек доктор филологических наук, профессор Иномходжаев Рахмонходжа доктор филологических наук, профессор Каримов Баходир Нурметович доктор филологических наук, профессор |
| Ведущая организация: | Институт Узбекского языка, литературы и фольклора при АН Республики Узбекистан |

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрированной за № ____). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокол реестра №__ от «__» _____ 2017 года.)

А. М. Маннонов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор филол.наук, профессор

К.Ш. Омонов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор филол.наук, доцент

А. Куранбеков
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора науки (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении XX века, в литературоведении стран Востока, в частности арабских стран, возрастает диапазон исследований, направленных на изучение вопросов формирования новых жанров, динамики жанра, проявления новых современных художественных направлений, течений и стилей, проблемы традиционности и новаторства, межлитературных связей и литературного взаимовлияния. Одной из главных задач литературоведения XX века является сопоставительное изучение вопроса становления жанра рассказа и его развития, проявления в новеллистике таких литературных явлений как реализм, модернизм, исследование процесса их адаптации, ассимиляции литературного наследия и современных литературных стилей, художественно-эстетических особенностей, присущих только арабской новеллистике, таких регионально близких арабских стран, как Египет, Сирия, Ливан, Палестина, Иордания, Ирак, имеющих типологически схожие литературные явления.

С первых лет независимости Республики Узбекистан особое внимание уделяется таким отраслям как культура, искусство и литература. Изучение и исследование различных национальных литератур обогащает знания о литературе, истории, образе жизни и национальной духовности этих народов, и является стимулом для расширения всесторонних связей. В государственной программе «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»⁶³ мотивация научно-исследовательских работ и совершенствование инновационной деятельности определяется как приоритетное стратегическое направление, что предоставляет дополнительные возможности для расширения круга исследований в области литературоведения. Научно-теоретическое исследование отличающейся своим новаторством арабской литературы XX века является одним из решений приоритетных задач в мотивации научно-исследовательских работ и совершенствования инновационной деятельности.

В мировом литературоведении особенности формирования и развития жанра рассказа в литературе XX века арабских стран в некоторой степени исследованы в рамках отдельных стран, однако не были проведены научные исследования эволюционного развития жанра обобщающего характера с сравнительно-исторической и сопоставительно-типологической точек зрения. Именно поэтому обобщение на основе сопоставления особенностей формирования и развития жанра рассказа в литературах Египета, Сирии, Ливана, Палестины, Иордании, Ирака в первой половине XX века, а также углублённое исследование процессов художественно-стилевого обновления, возникших во второй половине XX века, в частности определение влияния и описание процесса адаптации различных современных направлений и

⁶³Указ Президента Республики Узбекистан. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»/ Народное слова. 2017 йил. 8 февраль. №28 (6722)

течений и в связи с этим формирование современных терминов в арабской литературе, конкретизация взаимоотношений традиционных и новаторских тенденций на этапе обновления, исследование художественно-поэтических особенностей новых форм арабского рассказа становится актуальным.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени будет служить осуществлению задач, определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 за № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков», Указом Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года за № УП-4797 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», Распоряжением Президента Республики Узбекистан от 12 января 2017 года «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения».

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶⁴. Научные исследования, посвященные формированию и развитию жанра рассказа в современной арабской литературе, проводятся ведущими научными центрами и высшими образовательными учреждениями мира, в том числе такими, как Cambridge, Oxford University of London (Великобритания), Mississippi University (США), Goethe University (Германия), Jawaharlal Nehru University, Marathwada University (Индия), Санкт-Петербургский университет, Институт стран Азии и Африки (Россия), Haifa University (Палестина), جامعة القاهرة – Каирский университет (Египет), جامعة البترا - университет Аль-Петро, جامعة جدارا – университет Жидара (Иордания), الإسلامية بغزة جامعة – Исламский университет Газы (Палестина), جامعة الملك السعودي – университет Абдулмалик ас-Саъдий (Марокко).

По становлению и развитию арабской новеллистики XX века в этих центрах проводились исследования в области формирования и развития поэтических и прозаических жанров арабской литературы, в частности получены следующие результаты: выявлены общие сведения о развитии жанра рассказа в литературе нового времени – с конца XIX века до середины XX века на основе исследования творчества таких новеллистов, как Марун

⁶⁴Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации был подготовлен на основе следующих источников www.arabic.haifa.ac.il; darelom.cu.edu.eg; www.arabworldbooks.com; www.alukah.net; www.diwanaalarab.com; www.goethe.de; orient.spbu.ru; www.jnu.ac.in; www.libraryofarabicliterature.org; www.soas.ac.uk; www.orients.ox.ac.uk>staff; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.amazon.com; www.modernlanguages.olemiss.edu и целого ряда других.

Аббуд, Махмуд Теймур, Абду-Салам аль-Уджейли, Сайфиддин аль-Ирани (Oxford and Cambridge University); раскрыто место жанра рассказа в развитии иракской литературы нового времени (Mississippi University); освещены некоторые особенности прозаических жанров в литературах арабских стран Ближнего Востока (Goethe University); дана характеристика таким писателям, как Махмуд Теймур, Юсуф Идрис, Нагиб Махфуз, Закария Тамер (Jawaharlal Nehru University and Marathwada University); в общем плане исследовано развитие жанра рассказа в новой современной литературе (Санкт-Петербургский университет, Институт Востоковедения Академии наук России); в контексте палестинской литературы даны сведения о таких палестинских новеллистах, как Мухаммед Али Таха, Хусейн Михна (Haifa University и Исламский университет Газы); даны сведения о становлении и современном развитии жанра рассказа в египетской литературе нового времени и современности (Cairo University); даны сведения о творчестве таких иорданских новеллистов, как Иброхим ал-Абси, Фаррук Маваси, Юсуф Дамра, Илйас Фуркух, Махмуд Шукейр (университет Аль-Петро и университет Джидара); описан вид «очень короткий рассказ» в литературе современного Марокко, изложены его особенности (университет Абд ал-Малик ас-Саъди).

В настоящее время в мировом литературоведении ведётся целый ряд исследований по изучению арабской новеллистики нового периода и современности, в том числе по следующим приоритетным направлениям, в частности, исследование динамики развития жанра рассказа в современной арабской литературе; определение влияния современных течений и направлений на формирование арабского современного рассказа и процесса их адаптации в национальной литературе; обоснование взаимодействия традиционных и новаторских особенностей арабской новеллистики на этапе обновления; изучение и классификация художественно-стилевых особенностей новых форм современного арабского рассказа.

Степень изученности проблемы. Существуют отдельные исследования по новеллистике XX века Египта, Сирии, Палестины, Иордании, Ливана и Ирака. В русском востоковедении исследование литературных процессов середины XIX века и начала XX века в таких арабских странах, как Египет, Сирия, Палестина, Иордания, Ливан, были осуществлены⁶⁵ такими видными российскими учеными, как И.Ю.Крачковский, В.М.Борисов, А.А.Долинина, А.Е.Крымский, Э.А.Али-Заде, В.Н.Кирпиченко и В.В.Сафронов. Литературные процессы середины и второй половины XX века, литература, в частности новеллистика таких арабских стран, как Египет, Сирия, Ирак,

